


Ю 25592

Эркин Йўлдош

# УЧМОҚНИ ИСТАЙМАН



25592

10 0 | 2000A-1925

Allegan, I.

Yellowtail

waterfall

2000A-1925

1999 150c

Эркин Йўлдош

УЧМОҚНИ  
ИСТАЙМАН

Шеърлар


Тошкент  
"Қатортол-Камолот"  
1999

Ёш, изланувчан шоир Эркин Йўлдош ёрқин келажак, нурли кунлар васлига интиқиб яшайди ва шеърлар ёзади. "УЧМОҚНИ ИСТАЙМАН" – унинг илк китобчасидир.

ISBN 5-633-01087-6

Й 4702620206  
356(04)-99 1999

25592



© Эркин Йўлдош.  
"Учмоқни истайман", 1999

Уибу китобимни отам Йўлдошали  
Нортожи ўгли хотирасига багишлайман.

\* \* \*

Дунё кенгдур, тор эмас,  
Кўнглим сизга зор эмас.  
Зуҳро бўлиб самода,  
Бир сизгина бор эмас.

Юрагингиз доғлими,  
Армонларга боғлими?  
Телба, деманг, хор деманг,  
Ярим дунё соғмиди?

Вафоларда "буюк" сиз,  
Суймаганга суюксиз.  
Бизга парво қилмасдан,  
Кўнгли ярим, куюксиз.

Чиройда ой эрдингиз,  
Дилларни бой бердингиз.  
Қўллар етмас осмонда,  
Кимларга жой бердингиз?

## ВАТАН

Тупроқ күчалар...  
Чангитиб юрардик оёқ яланг  
Ёрилиб кетарди товонларимиз.  
Зерикмасдик,  
Барибир соғиниб яшардик күчани.  
Азиз эди  
Тупроқ бўлса ҳам.  
Ҳис этардик унда биз  
Ватан деган туйғуни.

## САБОҚДОШЛАРИМ

Қанча йиллар остда қолди,  
Қанча йиллар ортда қолди,  
Ёшлик деган юртда қолди,  
Сабоқдошларим.

Севги ўти бизларда эди,  
Хайратимиз күзларда эди,  
Хаёл гүзал қызларда эди,  
Сабоқдошларим.

Ҳали ҳаёт бизларни кутар,  
Гоҳ оғу, гоҳ шарбат тутар,  
Кимлар орзу-армонга етар,  
Сабоқдошларим.

Ака-сингил, укадек эдик,  
Бир майизни қирқ бўлиб едик,  
Ўн беш ёруғ кун келар дедик,  
Сабоқдошларим.

Кетар бўлдик, хайр-хўш,  
Ўтган кунлар ширин туш,  
Ёшлик тутқич бермас қуш,  
Сабоқдошларим.

Чорлар Фарғона боғлари,  
Мағрут Шоҳимардон тоғлари,  
Олтин экан ёшлиқ чоғлари,  
Сабоқдошларим.

# ҚАЙТИШ

Устозга

Бир сүз айтдингиз-у, қулоққа илдим,  
Яшамоқ нимадир, мен энди билдим,  
Шул гүзал сүз билан қалбимни тилдим,  
Хақ йўлига кирганлигим рост бўлсин.

Ёлғонлар қўйнида ётган эканман,  
Азобсиз "роҳат"лар тотган эканман,  
Виждонни, иймонни сотган эканман,  
Хақ йўлига кирганлигим рост бўлсин.

Навоий бобомни ўсдим англамай,  
Қуръонни, Ҳадисни асло тингламай,  
Сўроқли дунёни кунда ўйламай,  
Хақ йўлига кирганлигим рост бўлсин.

Мен энди ўзимни англадим, етдим,  
Ҳар намоз онини интиқиб кутгум,  
Бу қутлуғ сўзларни юракдан айтгум:  
Хақ йўлига кирганлигим рост бўлсин.

## СОФИНЧ

Бир япроқ шивирлаб туради,  
Саболар руҳимни уйғотар.  
Илоҳий исёнлар суурда,  
Қушларнинг сайроғи йиғлатар.

Мусаффо булоқлар шарқираб,  
Гулларнинг ҳидлари маст қиласар,  
Булбуллар навоси хуш татир,  
Хок бўлсам юртингга не бўлар?

Оҳ, у лаҳзалар соғинчи менда,  
Қандай бир дунёни соғиндим?..  
Шунчалар  
Оғритар юракни  
Кўзимни очгали оғриндим.

Бир япроқ шивирлаб туради,  
Саболар руҳимни уйғотар...

## БОЛАЛИКНИ ҚҮМСАБ

Тушимда бир бола  
Үрик шохидা  
Қийқириб кулиб,  
Оламни бузиб,  
Арғимчоқ учар.  
Саҳар вақти  
Үйғониб кетаман.  
Деразадан боқаман оламга,  
Қовоғи солиқ, баланд уйлар  
Қаршимда турап хұмрайиб.  
Үғлимга арғимчоқ солиб бергали  
Үша қадрдон  
Үрик дарахтини тополмайман...

## ОЗОДЛИК

Озодлик чалиниб кетмасин,  
Манзилига етсин бехатар.  
Тошлар келиб тегмасин,  
Оқмасин қонлари нөхақдан.  
Бўғзида қолмасин овози,  
Баландроқ янграсин  
Йўқсиллар макони  
Эрк деган туйғунинг  
Ватанида  
Озодлик,  
О, шодлик...

\* \* \*

Ичдим соғинчнинг майини,  
Чалдим кўнгилнинг найини,  
Висолнинг кўприксиз сойини,  
Кечиб ўтаман, ичиб ўтаман.

Агар шайтон бўлмагандайди,  
Кўнгил дардга тўлмагандайди.  
Азроил жонни олмагандайди,  
Билмай ўтаман, тилмай ўтаман.

\* \* \*

Софинчлар синади қошингда,  
Аммо дил ғашроққа ўхшайды.  
Борингни берасан боримга,  
О, кўзим ёшроққа ўхшайды.

Сочларингни силайман аста,  
Андуҳларнинг қолмайди изи.  
Бўйидан бошларим айланар,  
Оҳ, гулларнинг келади иси.

Сени олиб кетаман бешак,  
Ахир ўзинг суйдиргич бўлдинг.  
Берса баҳтни берсин-да бутун,  
Охир, оғир куйдиргич бўлдинг.

\* \* \*

*Чори АВАЗни эслаб*

Оловдан бир Ватан истадим,  
Танни ёқ унда, деб қистадим,  
Бир кулиб ўлмоққа етса дил,  
Шундай баҳтдан айирма мени.

Бир йўлда кетяпман ёт суриб,  
Гарчи манзил йироқ, от суриб,  
Манзилга етмоққа аҳд уриб,  
Шундай аҳддан айирма мени.

Мен кутиб турибман имолар,  
Лаҳзадек яқинидир видолар,  
Кўксимда тўлғанаар дуолар,  
Шундай вақтдан айирма мени.

Мен ҳурман, осмонга сифмайман,  
Дил қасри томондан оғмайман,  
Ёмғирман, қорман, ерга ёғмайман,  
Шундай тахтдан айирма мени.

Оловдан бир Ватан истайман...

## ЯССАВИЙОНА

Васлингга, ёр, меҳмон бўлиб келдим мано,  
Чафир тошда товонимни тилдим мано,  
Қонимдан гул унишини билдим мано,  
Тун очилиб, тонг отганда сўлдим мано,  
Ўзим ёнсам, ўзим куйсам куйай дунё,  
Эгам ёлғиз, юрак ёлғиз суйай дунё.

Фоний дунё, ошиқликда ҳаловат йўқ,  
Кўзлар сўқир, тиллар соқов, тиловат йўқ,  
Кўнгил кетса ул водийга ижозат йўқ,  
Ойогим йўқ, бунга яна жилов, от йўқ,  
Ўзим ёнсам, ўзим куйсам куйай дунё,  
Эгам ёлғиз, юрак ёлғиз суйай дунё.

Қонлар ютай, дардлар ютай кулиб мано,  
Ёдга олмай тинмай олдга елиб мано,  
Байтуллоҳмас, ғам уйига келиб мано,  
Кўзларимга ёш эмас, қон тўлиб мано,  
Ўзим ёнсам, ўзим куйсам куйай дунё,  
Эгам ёлғиз, юрак ёлғиз суйай дунё.

Тортганларим азоб бўлди, ютдим жабр,  
Кўнглим уйин тунаб кетди, кутдим сабр,  
Ҳасрат бирла надоматда ўтдим охир,  
Қабз етса манзилимга етдим қабр,  
Ўзим ёнсам, ўзим куйсам куйай дунё,  
Эгам ёлғиз, юрак ёлғиз суйай дунё.

Қандоқ яқин ҳам на қадар олис дунё,  
Гуноҳларга, савобларга холис дунё,  
Минг қийноққа, минг азобга солиш дунё,  
Жоним тупроқ бўлсин, менга болиш дунё,  
Ўзим ёнсам, ўзим куйсам куйай дунё,  
Эгам ёлғиз юрак ёлғиз суйай дунё.

\* \* \*

Қалбим менинг дарё бўлолмай ўтди,  
Кўнглим менинг тоғдек тўлолмай ўтди.  
Тўлғониб, тўлғониб ўлолмай ўтди,  
Ишқига тўймадим, тўймадим.  
Висол они ёғоч отим битсайди,  
Руҳлар менга айтмай кафан бичсайди,  
Сира тинмай фам майини ичсайдим,  
Ишқига тўймадим, тўймадим.  
Хаёлларим олиб кетса узоқларга,  
Ботиб қолсам азоб бирла тузоқларга,  
Ўпич олсам, хаёл қолса дудоқларда,  
Ишқига тўймадим, тўймадим.

\* \* \*

## I

... эх-ҳе, нималардан кечиб юбордик.

Эх-ҳе, нималардан кечиб юбордик,  
Қадаҳдан майни ичиб юбордик,  
Мастликда дардларни сочиб юбордик,  
Юзимиз қаро,  
Үзимиз қаро бўлмасак эди.

Юракни тинмайин чўқийди зоғлар,  
Тобора каттайиб боради доғлар,  
Танимиз тупроққа кўмилган чоғлар,  
Юзимиз қаро,  
Үзимиз қаро бўлмасак эди.

Эгилмадик, ўзимизни мағрур тутиб,  
Қаҳрлар, ғазаблар турса ҳам кутиб,  
Ў, бу қаро тупроқ заволим ютиб,  
Юзимиз қаро,  
Үзимиз қаро бўлмасак эди.

Кўксимда арқонлар қатма-қат бўлди,  
Устимда кўйлагим йиртилиб бўлди,  
Нурсиз кўзларимга тупроқлар тўлди,  
Юзимиз қаро,  
Үзимиз қаро бўлмасак эди.

Илинж бор юракда таърифлар ўқир,  
Қутлуғ бир китобдан тарихлар ўқир,  
Қошингда очилсин кўзларим сўқир,  
Юзимиз қаро,  
Үзимиз қаро бўлмасак эди.

## II

Дардим күпдир, дардларим шеърда,  
Гуноҳлар, савоблар қилибман ерда,  
Барчасин жавобин берурим бор-да,  
Менинг битта гуноҳим бор,  
Менинг катта гуноҳим бор.

Оппоқ бир либосда парилар келса,  
Севгисин ерларга сочиблар елса,  
Уларни бир кўриш армоним бўлса,  
Менинг битта гуноҳим бор,  
Менинг катта гуноҳим бор.

Дийдорин соғиниб аламлар ютсам,  
Гуноҳларим барчасин дилга битсам,  
Ёнига боргали фаришта кутсам,  
Менинг битта гуноҳим бор,  
Менинг катта гуноҳим бор.

Дардим күпдир, дардларим шеърда,  
Ерга сочди азоблар ерда,  
Кўнглим мени чорлаган ёрда,  
Менинг битта гуноҳим бор,  
Менинг катта гуноҳим бор.

\* \* \*

Күзларида ёшлар билан йиғлаб кетар,  
Юрагимни чок-чокидан тиғлаб кетар.  
Армон тұлар юрагимга, қарогимга  
Ёшлар тұла нигоҳини боғлаб кетар.

Йироқларга кетиб қолдинг, етолмасман,  
Севги-армон, ундан кечиб кетолмасман.  
Энди фақат дилгинамни күйдираidi,  
Бошқа ёрни чин ёр деб айтольмасман.

Мен бедаво, сен бевафо,  
 Бизларни фам айирдилар.  
 Оғир бўлди қилиб жафо,  
 Мени мендан айирдилар.  
 Саҳар. Кундуз. Бўлибди шом,  
 Қолмади-ку шамдонда шам.  
 Кезиб чиқай Ироқу Шом,  
 Мени мендан айирдилар.  
 Йиглаб-йиглаб овунгайман,  
 Кўз ёшимда ювингайман.  
 Гул баргига ювилгайман,  
 Мени мендан айирсалар.  
 Йиглаб-йиглаб овунгайман,  
 Кўз ёшимда ювингайман.  
 Гул баргига ювилгайман,  
 Мени мендан айирсалар.

## ЁРИЖОН

Боғларда оғочлар гуллади,  
Севгимиз гуноҳга йўллади,  
Айрилиқ бизларни ёллади,  
Ёрижон, ёрижон, ёрижон.

Етти гул қаҳрига қолдимми,  
Етти қуш қаҳрига қолдимми,  
Кимларнинг қаҳрига қолдим-а?  
Ёрижон, ёрижон, ёрижон.

Ўзингни изладим, толдим-ку,  
Изингдан бўсалар олдим-ку,  
Мен сендан айрилиб қолдим-ку,  
Ёрижон, ёрижон, ёрижон.

Зор йиғлаб ўтказгум тунларни,  
Кўксимни оғритган кимлар у,  
Кўзларим ёшлатган қумларму?  
Ёрижон, ёрижон, ёрижон.

Бу телба ҳолимга кулишар,  
Ўзларини ким деб билишар.  
Танамиз тупроқда тиллашар,  
Ёрижон, ёрижон, ёрижон.

Сенингсиз яна тонг отади,  
Кўнгиллар соғинса нетади,  
Бош олиб қайларга кетади,  
Ёрижон, ёрижон, ёрижон.

## ДАДАМНИ СОФИНИБ

Қалбимга бир гүзал туйғулар сочган,  
Оллоҳ, деб дуога қўлини очган,  
Яхшига ёндошиб, ёмондан қочган,  
Дадамни соғиниб кетдим, дадамни.

Ҳайҳот, қирқ бешида тупроққа қўйдик,  
Барчасин билгувчи Оллоҳга йўйдик,  
Суратга мўлтираб доимо суйдик,  
Дадамни соғиниб кетдим, дадамни.

Бир уйқу ўлимдан чўнг келса, наҳот,  
Тушларнинг таъбири ўнг келса, наҳот,  
Етимлик бизларга teng келса, наҳот,  
Дадамни соғиниб кетдим, дадамни.

Боғларни саралаб гуллар тераман,  
Ёрилмас тошларни энди ёраман,  
Ё Оллоҳ, қаршингта дард-ла бораман,  
Дадамни соғиниб кетдим, дадамни.

## АЛДАМЧИ ХАЁЛ

Қўй, алдама, алдамчи хаёл,  
Олисларга олиб кетмагил.

Ўтмишимни кўзимга беркит,  
Келажакни қувиб ўтмагил.

Қўй, алдама, алдамчи хаёл,  
Менинг сўқир кўзимни очgil.  
Қара: юрак тўлиб ётибди,  
Дардларимни кўкларга сочгили.

Қўй, алдама, алдамчи хаёл,  
Кўзларим ҳам қамашди нурдан.  
Мени воқиф этмадинг ҳамон,  
Йўлда кутган каттакон сирдан.

Қўй, алдама, алдамчи хаёл,  
Шукр, сирни англадим бугун.  
Ўз йўлимдан кетарман энди,  
Кифтга олиб бу дунё юкин.

Қўй, алдама, алдамчи хаёл,  
Олисларга олиб кетмагил...

## САНАМЛАРГА

Севгимизни санамларга тўкиб солдик,  
"Ошиқ бола" деган номни биз ҳам олдик.  
Сизга нима ошиқ бўлиб, куйиб қолсак,  
Энди ҳеч ҳам санамларга сифинмайман.

Ўтиб қолсам ортгинамдан мазах қилиб,  
Ўзни само, бизни эса тупроқ билиб,  
Самоларнинг ишқида мен қолай ўлиб,  
Энди ҳеч ҳам санамларга сифинмайман.

Ошиқ бўлиш гуноҳмиди, куласизлар,  
Девона, деб турфа ғийбат қиласизлар,  
Дилимдагин қаёқданам биласизлар,  
Энди ҳеч ҳам санамларга сифинмайман.

## ҲОЛАТ

Пичирлаб айтяпман елларга,  
Еллар шамолга айтади...  
Шамол ёмғирга айтади,  
Ёмғир ерларга айтади –  
Худди мен севгимни сенга  
Пичирлаб айтганим каби.

\* \* \*

Муҳаббатнинг кўчаси улкан,  
Унга қанча ошиқлар сифар,  
Унда яшар миллионта сафир,  
Севгисини йўқотиб йиглар.

## ИЛТИЖО

Кўксимга дунёнинг ғамлари қулар,  
Тунда муҳаббатга тиловат қиласар,  
Тоғларнинг ортидан тонг аста кулар,  
Оллоҳ, ўзинг тоқат бер.

Остонангга бош урай, қалбим яра,  
Сўзларим бисёрдир, ўзимдан сўра.  
Дардимга малҳамдир қайси бир сурга,  
Оллоҳ, ўзинг тоқат бер.

Дийдоринг кўрмоққа дилларим ташна,  
Тиловат айтмоққа тилларим ташна,  
Ул эски дўконга бўлдим-ку ошно,  
Оллоҳ, ўзинг тоқат бер.

Шамолдайин учаман оқ тулпорда,  
Отамнинг соғинчи қилди дил пора,  
Кўзимни босмасин қора ул парда,  
Оллоҳ ўзинг тоқат бер.

## СЕВАРЁРИМ...

Бошимга зилдайин ғамни берибсан,  
Не манзилга мени рано күрибсан,  
Бир қатим нур бўлиб чорлаб турибсан,  
Севарёrim...

Кўзимга мил тортган фироқларингму,  
Ҳеч кимса кўрмаган қароқларингму,  
Сабримга лаб берган дудоқларингму,  
Севарёrim...

Софинчдан осмонни тутар овозим,  
Юлдузлар сирдошим, билар парвозим,  
Сен келсанг очиқдир мудом дарвозам,  
Севарёrim...

Билса Ой билади садоқатимни,  
Тоғлардан вазмин қаноатимни,  
Тангрим билар сиру синоатимни,  
Севарёrim...

\* \* \*

Қишлоқнинг ҳидини кўзингдан туйдим,  
Момомнинг забонин сўзингга йўйдим,  
Алпомиш бўлиб мен ўзингни сўйдим,  
Ойбарчин бўлиб кир қалбимга.

Бир нигоҳ қилмасанг, кунларим кулмас,  
Қалбимга ин қурган азоблар ўлмас,  
Сен томон чўзмасам бу қўллар қўлмас,  
Ойбарчин бўлиб кир қалбимга.

Софиниб қишлоқни кўргим келганда,  
Дилимни соғинчлар босиб олганда,  
Айрилиқ кунларни бошга солганда,  
Ойбарчин бўлиб кир қалбимга.

\* \* \*

Сирингни айтасан  
"Хеч кимга айтма", деб  
Ёрилиб кетармидинг  
Менга айтмаганингда.  
Қандай қилиб сақлайин энди  
Ўзинг сақлолмаган сирни.

\* \* \*

Сен йўқсан, қалбимда оҳлар йиғлайди,  
Тенги йўқ гўзаллар, моҳлар йиғлайди,  
Баргидан айрилиб шохлар йиғлайди,  
Мен сени ҳеч кимга ўхшатолмайман.

Ҳижроннинг йўлида тош бўлган ўзим,  
Оҳудек кўзингда ёш бўлган ўзим,  
Ҳам кўзингга кўзу қош бўлган ўзим,  
Мен сени ҳеч кимга ўхшатолмайман.

Ўтаман тунимни тунимга улаб,  
Кутаман мен сени кунимдан тилаб,  
Исмингни айтаман оҳимга улаб,  
Мен сени ҳеч кимга ўхшатолмайман.

## ИСТАК

Изтироб қоплаган дилимни,  
Маъруза тинглайман тинмайин.  
Кўксига тегсайди элимнинг  
Қуёшин нурлари синмайин.

\* \* \*

Сокин умр керакмас энди,  
Бу йўллардан тонмоқ истайдур,  
Юрак қурғур ёнмоқ истайдур,  
Сабр коса, чилпарчин синди.

Мададкор бўл, сен ўзинг, Раҳим,  
Тошни ёриб ниш урмогим бор,  
Ёмғир бўлиб қуйилмоғим бор,  
Кўксинг узра жафокаш еrim.

Ўн тўққиз йил ортимда хазон,  
Кўзларимга кўмилди дунё.  
Ёлғонларга чўмилди дунё,  
Ўтди қанча тўзғиган мезон.

У кунларим саробдир энди,  
Юрак қурғур ёнмоқ истайдур...

\* \* \*

Тунларни қарғайди азоблар,  
Рұхимда ҳукмрон жимжитлик.  
Жисмимда күнгилнинг залвори,  
Айрилиқ – мен билган күргилик.

Күнгилдир осмонни соғинган,  
Суқунат кағанға оғринган,  
Қуёш ҳам шафаққа оғинган,  
Айрилиқ – мен билган күргилик.

Бетоқат шамолға учрадим,  
Қайғулар керакмас, чарчадим,  
Шеъримга қон бўлиб сачради,  
Айрилиқ – мен билган күргилик.

Йўлларим равонмас, ёғийли,  
Оlam ҳам, одам ҳам доғули,  
Манглайга азалдан ёзуғли,  
Айрилиқ – мен билган күргилик.

## ҚАТРАЛАР

Яёв ўтди дунёда кимдир,  
Кимдир ўтди юрмай пиёда.  
Оёқлари ердан узилган.

\* \* \*

Хуржунимда ҳасрату ғамлар  
Ҳам қайғуларим бор.  
Бироқ унда мўлдир сабр.

\* \* \*

Булутлар бостириб келади  
Томошадан чиқаётган оломон каби.  
Чақмоқлар чақади самода  
Баҳайбат одамнинг  
Қўлу бармоқлари каби.

\* \* \*

Дунё ғамгин эртакка ўхшар.  
Боғлиқдир инсоннинг ўзига,  
Уни қандоқ тўқимоқ.

\* \* \*

Руҳ бўлсайдим қани,  
Кириб олар эдим  
Билдирмасдан сенинг қалбингта.

\* \* \*

Қалбимни титкиланг.  
Кунлар чироқлар ёқингиз.  
Сүз тополмайсиз  
Энди бирорта,  
Үзингизни овутмоқ учун.

\* \* \*

Кипригимдан игналар қилиб,  
Күз ёшимдан соғинчлар тикдим.  
Қабоқларим сүкилиб юборар.

\* \* \*

Тун – оғир ярадор,  
Мажолсиз қимиirlар.  
Тун – юzlари қорайған  
Губорсиз жангчи.  
Күзига чўккан сокинлик  
Ва бир пайт  
Қоқилиб кетади недандур  
Тун узра қалқиб кетар – нур.

## СОВЧИЛАРГА

Ташлаб кетинг ёргинамни, совчилар-е,  
Ҳар кўчадан қиз овлаган овчилар-е,  
Иккимизни айирдингиз ёвчилар-е,  
Аробада кетиб борар суйган ёрим,  
"Қулоқ тишлаш" ғавғосидан куйган ёрим.

Бағрим тилим бўлиб кетди, билмадингиз,  
Бизни кўриб, яна кўзга илмадингиз.  
Бўз йигитга наҳот шафқат қилмадингиз?  
Аробада кетиб борар суйган ёрим,  
Кўргиликнинг кунларидан куйган ёрим.

Онасиз деб бизга рано кўрмадингиз,  
Отасиз деб ёки аҳдда турмадингиз,  
Қизингизнинг ўзидан ҳеч сўрмадингиз,  
Аробада кетиб борар суйган ёрим,  
Кўзлаганинг кўзларидан куйган ёрим.

Кўзлаганлар, кўзингизга тошлар чиқсин,  
Мақтайверган тилингизни чаён чақсин,  
Бизлар куйган севги ўти сизни ёқсин,  
Аробада кетиб борар суйган ёрим,  
Бувайдадан кўнгил узиб, куйган ёрим...

\* \* \*

Тунлари ойни севдим,  
Қошлари ёйни севдим.  
Чиройга бойни севдим,  
Күнгил ўзи шунаقا,

Отамсиз ўтар чоғлар,  
Мевасин тўкар боғлар,  
Елкамга чўкар тоғлар,  
Дунё ўзи шунаقا.

Ёвимни дўст деб ўсдим,  
Дилимнинг йўлин тўсдим,  
Дардларга тўла кўксим,  
Кўнгил ўзи шунаقا.

Ёзганларим нимадир,  
Кимлар унга куладир,  
Билса, кўнгил биладир,  
Эркин ўзи шунаقا.

\* \* \*

Билса худо билади,  
Бахтим бир кун кулади.  
Душманларим қолади,  
Мени Худо қўлласин.

Бир камбағал боламан,  
Ошиқликни биламан,  
Суйганимни оламан,  
Мени Худо қўлласин.

Дардимни билар сойлар,  
Омонлик тилар ойлар,  
Устимдан кулар бойлар,  
Мени Худо қўлласин.

Кўнглим ўзи яримта,  
Юрагим нимта-нимта,  
Дўстим йўқдир биронта,  
Мени Худо қўлласин.

Даврим энди бошланди,  
Ғаним дили фашланди,  
Кўзим кулиб ёшланди,  
Мени Худо қўлласин.

\* \* \*

Ситамларинг бўлмас бунча адолар,  
Менму ишқинг йўлидаги гадолар.  
Мажнун бўлдим, Лайло бўлиб келмадинг,  
Саҳроларни тутиб кетди садолар.

Менман ўшал саҳроларда сени чорлаб,  
Йўлларингга жонин тикиб кутаётган.  
Осмон тўла юлдузлар-ку тинмай зорлаб,  
Тополмасдан бир юлдузсиз ўтаётган.

Келармисан, йўлларингда кўзим толди,  
Ўтмай баҳор, ёзим яна кузга айланиб.  
Юрагимда муҳаббатнинг чўғи қолди,  
Бир гўзалга айтилмаган сўзга айланиб.

## НУРАЛИНИНГ ХИРГОЙИСИ

Дарёларнинг ўртасига солдим қайиқ,  
Бувайданинг қизи борми бизга лойиқ,  
Бувайданинг қизи бўлса бизга лойиқ,  
Оналари тикиб қўйсин тўну қийиқ.  
Онанг менга берармикан қўйлар берсам,  
Топганимни, тутганимни уяберсам.  
Онагинанг бермасига қўярманму,  
Мингта жоним висолингга бераверсам.  
Тўну қийиқ ярашади белгинамга,  
Чевар бир қиз келин бўлар уйгинамга.  
Дўстлар, келинг ўлан айтиб, ёр-ёр айтиб,  
Бугун-эрта бўлиб қолар тўйгинамга.

## ЁР-ЁР

Бувайдадан карвон келар,  
Совчи бўлиб, ёр-ёр.  
Тоғли қишлоқ томон елар,  
Сепга тўлиб, ёр-ёр.  
Бувайдага келин бўлгин,  
Тўйлар бўлсин, ёр-ёр.  
Бизнинг ғариб кулбамизга  
Куйлар тўлсин, ёр-ёр.  
Тезроқ елинг, карвонларим,  
Ҳеч толмангиз, ёр-ёр.  
Нон синдириб қўйишмасин,  
Кеч қолмангиз, ёр-ёр.

## БУВИМНИНГ АЙТГАНЛАРИ

Бўйларингга бўйтумор  
Тақиб қўйсам бўларкан.  
Боқишиларинг бир хумор,  
Кўриб кўнгил тўларкан.  
Йигит бўпсан, бўйингдан  
Бувигинанг айлансин.  
Умидим бор тўйингдан,  
Бувигинанг ўргулсин.  
Кўнглингдаги ҳур қизни,  
Бир кун билиб оларман.  
Қишлоқдаги зўр қизни,  
Келин қилиб оларман.

\* \* \*

Тун кечалар аллалаб,  
Ойни алдаб ўтдим-а,  
Хүзурингга етай деб,  
Сойни алқаб кетдим-а.  
Оғриқ бўлдим энг оғир,  
Осмонидан нур ёғир.  
Нур ёғирга мен сағир,  
Менинг дардкаш кўксим-а.  
Дилни сенга боғладим,  
Ўшал сирни илғадим,  
Аччиқ-аччиқ йиғладим,  
Менинг дардкаш кўксим-а.

\* \* \*

Дунёда умидсиз, ҳиссиз қолганда,  
Йўлимни йўқотиб, изсиз қолганда,  
Самога ялиниб, юзсиз қолганда,  
Муҳаббатим, сенинг борлигинг яхши.

Дилларим дилдираб дилни қидирса,  
Тилларим қалтирас ислминг сидирса,  
Кўнглинг кўчалари мени сиғдирса,  
Муҳаббатим, сенинг борлигинг яхши.

Қайдандир бир паноҳ жойни излагум,  
Кимдандинир бир нигоҳ ойни кўзлагум,  
Барибир ўзингга бир кун юзлангум,  
Муҳаббатим, сенинг борлигинг яхши.

Яхши-ёмон бўлсам, ёмонлигим бор,  
Қошингда қачондир омонлигим бор,  
Қарғасанг, бир куни тамомлигим бор,  
Шунда ҳам ўзингнинг борлигинг яхши.

## СЕНИ СОФИНАМАН

Ёниб-ёниб тугаганда шам,  
Тонг йиғлайды күз ёши шабнам,  
Аччиқ осмон күз ёшлари ҳам,  
Сени софинаман.

Сувратингни кўриб-кўриб,  
Хаёл сочин ўриб-ўриб,  
Минг дард жонни туар сўриб,  
Сени софинаман.

Бир кам дунё экан аслида,  
Минг ҳам ахир инсон қасдида,  
Худойимнинг тўртта фаслида  
Сени софинаман.

## ОТАМ

### I

Кунлар энди қародир,  
Юраккинам яродир.  
Борса дардла бородир,  
Эрта кетган отам-ов,  
Ерда ётган отам-ов.

Қаддим етти букилди,  
Дардим тутдек түкилди,  
Юраккинам сүкилди,  
Эрта кетган отам-ов,  
Ерда ётган отам-ов.

Гуллолмади бодомлар,  
Гурс-гурс этиб қадамлар,  
Олиб кетди одамлар,  
Эрта кетган отам-ов,  
Ерда ётган отам-ов.

Битмай қолди уйингиз,  
Қанча эди үйингиз,  
Йүқотдик баст-бүйингиз,  
Эрта кетган отам-ов,  
Ерда ётган отам-ов.

Қулоғимда сўзингиз,  
Тополмайин изингиз,  
Етим ўғил-қизингиз,  
Эрта кетган отам-ов,  
Ерда ётган отам-ов.

## II

Мана ўғил күрдим-у  
Күргани келмадингиз.  
Сувратингиз қучоқлар,  
Ҳеч қурса қулмадингиз.

## III

Елкангизда опичлаб юрган,  
Сўқмоқларни соғиндим, ота.  
Бойчечакка қўшиқлар айтган  
Чақмоқларни соғиндим, ота.

Бу тун итлар нотинч ҳурди,  
Сизсиз уйга ҳечам сиғмадик.  
Ўзингизни соғиниб жуда,  
Укам билан роса йиғладик...

\* \* \*

Мұхаббатдан ўзга жабринг йүқмиди,  
Нигоҳларинг тошни ёрап ўқмиди,  
Күнглинг ойдек ботиб кетган йүқмиди,  
Сендан ўзга ёрим йүқ энди.

Юлдузларга боқардим ҳар тун,  
Ёниб-ёниб севгингда буткул,  
Олиб ўтай мұхаббат юкин,  
Сендан ўзга ёрим йүқ энди.

Тақдир экан – тиландим унга,  
Күнгил сирин айтолмай сенга,  
Ёр, күчангда беландим қумга,  
Сендан ўзга ёрим йүқ энди.

Мен Тангрига қилдим нидолар,  
Ошиқликда бўлдим адолар,  
Куйлай-куйлай жоним ўт олар,  
Сендан ўзга ёрим йүқ энди

\* \* \*

Шивирлайди майсалар майин,  
Гуллар тинмай хандон отади.  
Кўм-кўк кўлда қанча чечаклар,  
Хушбўй ҳидлар сочиб ётарди.

Ул тийиқсиз ўйноқи еллар,  
Майсаларнинг юзин силарди.  
Телба каби тентиб япроқлар,  
Чайқалиб-чайқалиб куларди.

Кўл юзига бағрини бериб,  
Пирпираб учарди капалак.  
Қуёшнинг қиёлаб қолишин,  
Истамай қоламан дил ҳалак.

Қуёш оғар қароргоҳига,  
Кўм-кўк кўлда қоламан ёлғиз.  
Яшил ҳидга чулғанар дала,  
Кузатурман қуёшни маъюс.

## ҚИЗЛАРГА

Дойра зор-зорин соғинган қызлар.  
Момолар ёр-ёрин соғинган қызлар,  
Келинлар ор-орин соғинган қызлар,  
Йигитлар қурбондир бүйларингизга,  
Үланлар ярашсин түйларингизга.

Атласга зеб берган қоматларингиз,  
Йигитлар севишса – омадларингиз,  
Сизлардан чиқмасин номардларингиз,  
Йигитлар қурбондир бүйларингизга,  
Үланлар ярашсин түйларингизга.

Висол түйларига ошиқиши бордир,  
Күриб бир-бирига ёқишиши бордир,  
Пана-пана жойда боқишиши бордир,  
Йигитлар қурбондир бүйларингизга,  
Үланлар ярашсин түйларингизга.

Мүйлаблари сабза йигит ошиқ бўпти,  
Азоблари юз ошиқдан ошиқ бўпти,  
Уйланаман деса ахир нима бўпти,  
Йигитлар қурбондир бүйларингизга,  
Үланлар ярашсин түйларингизга.

## Мундарижа

"Дунё кенгдур, тор эмас..." .....	3
Ватан .....	4
Сабоқдошларим .....	5
Қайтиш .....	6
Софинч .....	7
Болаликни құымсаб .....	8
Озодлик .....	9
"Ичдим соғинчнинг майнини..." .....	9
"Софинчлар синади..." .....	10
"Оловдан бир Ватан истадим..." .....	11
Яссавийона .....	12
"Қалбим менинг..." .....	13
"... эх-ҳе, нималардан кечиб юбордик..." .....	14
"Күзларида ёшлар билан..." .....	16
"Мен бедаво, сен бевафо..." .....	17
Ёрижон .....	18
Дадамни соғиниб .....	19
Алдамчи хаёл .....	20
Санамларга .....	21
Холат .....	22
"Мұхаббатнинг күчаси..." .....	22
Илтижо .....	23
Севарёрим .....	24
"Қишлоқнинг ҳидини күзингдан түйдим..." .....	25
"Сириңгни айтасан..." .....	25
"Сен йўқсан, қалбимда..." .....	26
Истак .....	27
"Сокин умр керакмас энди..." .....	27

"Тунларни қарғайди азоблар..."	28
Қатралар	29
Совчиларга	31
"Тунлари ойни севдим..."	32
"Билса худо билади..."	33
"Ситамларинг бўлмас бунча адолар..."	34
Нуралининг хиргойиси	35
Ёр-ёр	36
Бувимнинг айтганлари	37
"Тун кечалар аллараб..."	38
"Дунёда умидсиз, ҳиссиз қолганда..."	39
Сени соғинаман	40
Отам	41
"Муҳаббатдан ўзга жабринг йўқмиди..."	43
"Шивирлайди майсалар майин..."	44
Қизларга	45

Адабий-бадиий нашр

Эркин Йўлдош

УЧМОҚНИ ИСТАЙМАН  
Шеърлар

Муҳаррир

Аъзам Ўқтам

Мусаҳҳиҳа

Машкура Абдумўмин ҳожи қизи  
Ношир

Тўлқин Нурмуҳаммад

Техник муҳаррир

Елена Нафиковна

ИБ № 3390

Босицга 13.07.1999 йилда рухсат этилди. Бичими 35x42 1/16. Ялтироқ силлиқ қофоз. Жами 2000 нусха. Буюртма № 25.

Баҳоси келишилган нарҳда.


Ўзбекистон Ёшлиари "Камолот" жамғармаси  
"Қатортол-Камолот" ишлаб чиқариш-нашриёт  
корхонаси. 7000113, Тошкент, Чилонзор, 8-мавзе,  
Қатортол кўчаси, 60.

"OFFSET-PRINT" босмахонаси.

Тошкент, Қирққиз кўчаси, 10-уй.



190e



Эркин Йўлдош Фарғона вилоятининг Бувайда қишлоғида туғилган. ФДУнинг араб филологияси факультетини битирган. Республика телевидениесининг "Ассалом Ўзбекистон" бош таҳририяти муҳаррири.